O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Majburiy bepul nusxa

XДP
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 4-noyabr • Payshanba • 128 (31.248) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН НОГИРОНЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИНИНГ БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида Аргентинада ўтказилган 2010 йилги жаҳон чемпионатида ғолибликни қўлга киритиб, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишда жасорат ва матонат намунасини кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

**«ДЎСТЛИК» ордени билан**

**Кариев Рустам Игамбердиевич** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг бош мураббийи

**Турсунбоев Хайдарали Умаралиевич** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

**«ЖАСОРАТ» медали билан**

**Арапов Мухаммадазиз Хакимович** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

**Рустамов Умарали Махмудович** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

**Турахўжаев Кудрат Сайдиллахўжаевич** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 3 ноябрь*

Пойтахтимизда «Нанофизика: муаммолар ва истиқболдаги вазифалар. Квант функционал материаллар ва қурилмалар» мавзуида Ўзбекистон ва Жанубий Корея олимларининг навбатдаги қўшма симпозиуми бўлиб ўтди.

## Нанофизиканинг долзарб масалалари

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлими томонидан Жанубий Кореянинг Донггук университети ҳузуридаги «Квант функционал яримўтказгичлар» илмий-тадқиқот маркази ҳамда Фан ва техникани қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бу тадбирда икки мамлакатдан олим ва мутахассислар, олий таълим муассасалари профессор ва ўқитувчилари иштирок этди.

Мамлакатимизда илм-фан ва инновация соҳаларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламлиислоҳотлар юксак самаралар бераётир. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

— Ўзбекистонда нанофизика илмфаннинг бошқа йўналишлари каби жадал ривожланмоқда, — деди Корея Республикаси Донггук университети ҳузуридаги «Квант функционал яримўтказгичлар» илмий-тадқиқот маркази директори, профессор Таи Вон Канг. — Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

**(ЎзА)**

Фракция фаолияти



Зиёдулла НОРМУРОДОВ олган суратлар.

# Қонун лойиҳалари муҳокама этилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Қуйи палата муҳокамасига киритилаётган қонунлар лойиҳалари ва бошқа масалалар депутатлар томонидан қизғин муҳокама этилди.

Йиғилишда фракция аъзолари билан бирга, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

ЎзХДП депутатлари «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишди. Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан киритилган. Лойиҳада «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонун қабул қилингани муносабати билан ўн бешта қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

«Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси анча баҳс-мунозарага сабаб бўлди. Чунки амалдаги қонунда темир йўл инфратузилмасидан фойдаланиш давлат монополиясига киради. Вазирлар Маҳкамаси таклиф этган лойиҳага кўра, темир йўлда юк ташиш ҳам давлат монополиясига киритилган. Қуйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси лойиҳа устида ишлаш жараёнида унга айрим таҳрирлар киритган.

→2

Гаров институтини қўллаш

*унинг муҳим ҳуқуқий асоси*

→3

XVI Осиё ўйинлари

*унда 300 нафардан зиёд ҳамюртларимиз қатнашади*

→4

Эътироф

*«Мамлакатингиз мустақилликни қўлга киритгач, юртингизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик мустаҳкамланиб, иқтисодиёт муттасил ривожланиб бораётир, халқнинг турмуш даражаси узлуксиз юксалмоқда. Энг асосийси, Аллоҳ назари тушган ушбу гўзал ва муқаддас диёрда тинч ва осойишта ҳаёт ҳукм сурмоқда. Ўзбекистоннинг ўзи танлаган тараққиёт йўлидан оғишмай бораётгани ва ўз олдига қўйган барча мақсадларига эришаётгани Мисрда юксак қадрланади. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва шериклик муносабатлари бундан кейин ҳам изчил ривожланиб бораверади, дейиш учун барча асослар бор».*

**Нодия Иброҳим КАФФОФИЙ,**
***Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси***

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА:

# Барқарор ривожланиш гарови

→2

### Электорат манфаати

Сурхондарё вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси иш билан банд бўлмаган аҳолини иш жойлари билан таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кўпдан-кўп хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойида воҳада қарийб 52 минг нафар фуқаро турли соҳаларда ишга жойлашди. Биргина янги объектларни ишга тушириш, қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига қарийб 3 минг нафар киши муқим иш жойига эга бўлди. Кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этиш эвазига яна 22 минг 200 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Бундан ташқари, кичик корхона, қурилиш-пудрат ишларини кенгайтириш, маиший хизмат кўрсатиш, сервис соҳаларини ривожланитириш, хусусий тадбиркорлик йўналишларда 30 мингдан ортиқ аҳоли ишга жойлашди.

«Обуна — 2010»

# Обуна ишлари қандай бормоқда?

«Ўзбъекистон почтаси» ОАЖнинг Тошкент филиали директори А.Ҳайдаров шундай дейди:

— Ҳозирги кунда Тошкент вилояти бўйича 20 та шаҳар ва туман почта алоқа тармоқлари мавжуд бўлиб, уларда 327 та алоқа бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. 2011 йил учун газета-журналларга обунани ташкил этиш бўйича қатор янгилик ва қулайликлар яратилган.

— Жумладан, нашрларнинг обуна каталоги ишлаб чиқилган бўлиб, унда газета ва журналлар бўйича тўлиқ маълумотлар акс этган. Каталог филиалга қарашли барча почта алоқа тармоқлари ва бўлимларига етказилган.

Қибрай ва Ғазалкент почта алоқа тармоқларида махсус ажратилган 2 та автотранспорт воситаси орқали чекка ҳудудларда обунани ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда, почта хизмати кўрсатилмоқда.

Обунани уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларига, давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Газета ва журналларимизга, хусусан, «Ўзбекистон овози» газетасига обуна муваффақиятли давом этмоқда.

**Таҳририятдан: «Ўзбекистон овози»га обуна бўлсангиз, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, ЎзХДП ва парламент ҳаёти, янги қонунларга шарҳлар, ҳуқуқ-тартибот, таълим, спорт соҳасидаги янгиликлар билан ўз вақтида танишиб бориш имконига эга бўласиз.**

**Шунингдек, мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида фидойи меҳнат қилиб, мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатаётган замонамиз қаҳрамонлари, ўз интеллектуал салоҳиятларини намойиш этиб, кашфиётлар яратаётган ёш тадқиқотчилар, олимлар ҳақидаги мақолаларни янада кўпайтиришни режалаштирмоқдамиз.**

ОБ-ҲАВО 04-05.11. 2010

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 10°С | 12°С |
| Самарқанд | 10°С | 12°С |
| Нукус | 8°С | 13°С |
| Қарши | 13°С | 18°С |
| Урганч | 13°С | 18°С |
| Навоий | 8°С | 13°С |
| Фарғона | 10°С | 15°С |
| Бухоро | 8°С | 13°С |
| Андижон | 10°С | 15°С |
| Наманган | 10°С | 15°С |
| Термиз | 13°С | 18°С |
| Жиззах | 10°С | 15°С |
| Гулистон | 10°С | 15°С |
| Тошкент вил. | 10°С | 15°С |
| Лондон | 11°С | 11°С |
| Париж | 9°С | 8°С |
| Москва | 3°С | 0°С |
| Мадрид | 9°С | 5°С |
| Пекин | 12°С | 11°С |
| Гонгконг | 17°С | 16°С |
| Рим | 11°С | 9°С |
| Анқара | 8°С | 10°С |
| Токио | 10°С | 12°С |
| Стокгольм | 4°С | -1°С |
| Кейптаун | 15°С | 15°С |
| Қоҳира | 14°С | 13°С |
| Гавана | 24°С | 23°С |
| Вашингтон | 8°С | 14°С |

Юрт ободлиги йўлида

# Қорақалпоқ қишлоқ ва овуллари чирой очмоқда



→4

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!



Обуна индекси — 220

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Majburiy bepul nusxa



## ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА:

# БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ



*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Президентнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони янги иш ўринлари ташкил этишда муҳим омил бўлмоқда. Ўтган йили 2 минг 700 дан ортиқ касаначи иш билан банд бўлган бўлса, бу йил шу йўналишда 2 минг 500 дан ортиқ иш ўринлари ташкил топди. Ўтган тўққиз ой ичида ишлаб чиқариш билан банд бўлган хотин-қизлар томонидан 765 миллион сўмдан ортиқ миқдордаги турли хил маҳсулот тайёрланди. Фармонда белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш эвазига 42,4 миллион сўм маблағ иқтисод қилиниб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантиришга йўналтирилди.

— Маҳсулотларимиз сифати, бежиримлиги билан жаҳон бозорида ҳам ўз ўрнига эга, — дейди Жарқўрғон туманидаги «SURXON-TEKS» қўшма корхонаси ип йигирувчиси Матлуба Эшқобилова. — Биз йигираётган калава иплар Ҳамдўстлик давлатлари, Европа ҳамда Болтиқбўйи мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

— Йигирмадан ортиқ маҳсулотимиз харидоргир, — дейди Денов туманидаги «Гулнора» хусусий корхонаси ишчиси Гулсуной Умарова.

— Ўттиз нафарга яқин хотин-қиз меҳнат қилаётган жамоамизда йил охиригача яна 20 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинади. Жумладан, вилоятда кам таъминланган оилаларга қорамол олиб бериш учун тижорат банклари имтиёзли кредитлар ажратаётир. Текин қорамол берилган оилаларнинг 533 нафари ёки 46,4 фоизи ёш оилалардир.

— Айни кунларда вилоятда 10 та филиал, 20 та минибанк, 6 та махсус касса фаолият юритмоқда, — дейди «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки Сурхондарё вилояти филиали раҳбари Мўмин Маҳмудов. — Воҳадаги мавжуд 67 минг 450 дан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг 22 фоизига турли банк хизматлари кўрсатиб келинади. Жорий йилнинг ўтган даврида барча молиялаш манбалари ҳисобидан мижозларга 10,4 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Натижада турли соҳалар бўйича жами 7 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

— Бу йил Сурхондарёда жами 63 минг 700 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган, — дейди вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Эркин Менглиев. — Жойларда тегишли ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ўтказиб келамиз. Бугунгача ҳудудларда 120 марта бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди. Унда 5 минг 600 га яқин корхона, ташкилот ва муассаса ўзининг 23 минг 953 та бўш иш ўринлари билан қатнашди.

— Бу йил Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноати институтини тамомладим, — дейди Даврон Хўжамқулов. — Меҳнат ярмаркасида қатнашдим. Унда ўзим маъқул кўрган ишни танладим. Мана, ҳозир кичик ва ўрта бизнес касб-ҳунар коллежида ёшларга сабоқ бераяпман...

Вилоятда амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар замирида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишдек юксак мақсад мужассамдир. Бу — барқарор ривожланиш, тинчлик ва осойишталик, турмуш фаровонлиги манбаи...

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



# Қонун лойиҳалари муҳокама этилди

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Фракция бу таҳрирга асосан темир йўл инфратузилмасидан фойдаланиш давлат монополиясидан чиқиб кетишига эътироз билдирди. Шу сабабли лойиҳани қонун ташаббускори киритган таҳрирда қолдириш ёки ўзгартирилган тақдирда ҳам асосий концепцияни бузмаслик таклифи илгари сурилди.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 245 ва 246-моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан атрофлича муҳокама этилди.

*Бош прокуратура томонидан хорижий давлатлардан ушлаб берилган айбланувчиларни қамоқда сақлаб туриш муддатларини ҳисоблаш амалиёти ўрганилди. Дастлабки тергов давомида қамоқда сақлаб туриш муддати айбланувчининг республика ҳудудидаги тергов ҳибсхонасига келтирилган кундан бошлаб ҳисобланади ҳамда унинг хорижий давлат ҳудудида қамоқда сақланган вақти инобатга олинмайди. Бу эса жиноят процессида шахс ҳуқуқларининг тўлиқ таъминланиши талабларига жавоб бермайди.*

*Шу билан бирга, қамоқда сақлаб туришнинг охирги муддати 9 ойни, оғир ҳамда ўта оғир жиноятлар билан боғлиқ алоҳида мураккаб ишлар бўйича бир йилни ташкил этади. Қонунда бу муддатларни узайтириш назарда тутилмаган. Бироқ кўпинча айбланувчилар хорижий давлатда узоқ муддат давомида қамоқда сақланган ва уларни сақлаш муддати тугаган ҳамда бошқа эҳтиёт чорасини қўллаш учун асос бўлмаган ҳолларда уларни қамоқда сақлаб туриш жиноят иши бўйича кейинги тергов ҳаракатларининг ўтказилишини таъминлаш учун зарур бўлади.*

Шунга кўра, Жиноят-процессуал кодексининг 245 ва 246-моддаларига ушлаб бериш тўғрисидаги сўровномага асосан шахс хорижий давлат ҳудудида қамоқда сақланган муддатни ҳисобга олиш ва бундай ҳолатда қамоқда сақлаб туришнинг охирги муддатини узайтиришни назарда тутувчи ўзгартишлар киритиш таклиф этилмоқда. Бу ўзгартишлар жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришга, айбланувчилар ҳуқуқлари кафолатларининг таъминланишига, шунингдек, миллий қонунчилигимизни халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, йиғилишда, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15- ҳамда 18-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 103-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Сурхондарё вилоятининг Бандихон туманини тугатиш ҳамда унинг ҳудудини Қизириқ туманига бирлаштириш, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманининг номини ўзгартириш тўғрисидаги масалалар ҳам муҳокама этилди. Собир Раҳимов тумани номини тарихий шарт-шароит ҳамда қадриятлар, қадимий жой номларини, шунингдек, жамоатчилик фикрини ҳисобга олиб, Олмазор тумани деб ўзгартириш таклифи қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда қонун лойиҳалари бўйича депутатлар ва мутасадди ташкилот вакиллари қатор фикрлар билдиришди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон ХДП фракциясининг позицияси белгилаб олинди.

**Беҳзод ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Фармон ва ижро**

# *Қандли диабетга қарши кураш ойлиги*

■ Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

***(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 40-модда)***



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозир сайёрамизда уч юз йигирма миллиондан кўпроқ инсон қандли диабет хасталигидан азият чекмоқда. Агар ўз вақтида самарали чоралар амалга оширилмаса, бу кўрсаткич йилдан-йилга ошиб, жамият тараққиётига жиддий рахна солиши мумкин. Шу боис, БМТ томонидан 2006 йилда мазкур касаллик юзасидан махсус резолюция қабул қилинди ва 14 ноябрь — Халқаро қандли диабетга қарши кураш куни, деб эълон қилинди.

Жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган мамлакатимиз ҳам бундай хайрли ташаббусларда фаол иштирок этиб келаётир. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги каби давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида юртимизда анъанавий тарзда ўтказилаётган диабетга қарши кураш ойлиги бунга мисолдир.

Мамлакатимизда касалликларнинг олдини олиш ва даволаш ишларини такомиллаштириш, инсон манфаатларини муҳофазалаш соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишига айланган. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишларига оид фармонида белгиланган вазифалар ҳаётга самарали татбиқ этилаётгани туфайли шифо масканларининг моддий-техника салоҳияти яхшиланиб бормоқда.

Аҳолига ушбу йўналишда кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини янада кенгайтириш, эндокринологияда жаҳон тиббиётининг юксак технологияларини кенг қўллаш мақсадида Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази такшил этилди.

Ушбу марказ олимлари ва шифокорлари дунёдаги етакчи илм-фан марказлари мутахассислари билан ҳамкорликда эндокринологиянинг долзарб муаммолари, жумладан, қандли диабетнинг олдини олиш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, жаҳон тиббиётининг илғор ютуқларини амалга татбиқ этиш юзасидан кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Бошқа хасталиклар сингари диабетни ҳам даволагандан кўра олдини олиш инсон саломатлиги ва жамият учун самаралидир. Бунинг натижасида диабетни даволашга кетадиган харажатлар ўн марта қисқаради, ногиронлик ҳамда ўлим кўрсаткичлари камаяди.

Масаланинг ана шу жиҳати эътиборга олинган ҳолда бутун сайёрамизда 14 ноябрь — Халқаро қандли диабетга қарши кураш куни арафасида турли ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Диабетга қарши кураш ойлигини ташкил этишдан кўзланган мақсад бутун жамиятнинг диққат-эътиборини ушбу тиббий-ижтимоий муаммога қаратиш, аҳолига қандли диабет хасталиги ҳақида тўла-тўкис маълумот бериш, тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдан иборат.

Мазкур акция 1 ноябрдан — 1 декабргача давом этади. Ойлик доирасида турли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, маҳаллаларда, ўқув юртларида, корхоналарда шифокорлар, мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилиши режалаштирилган. Болалар ўртасида ижодий танловлар, эндокринологиянинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтади. Аҳолини профилактика тадбирларига кенг жалб этиш ишларини янада кучайтириш мақсадида жойларда қондаги қанд миқдорини аниқлаш пунктлари фаолияти йўлга қўйилади.

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг вилоятлардаги диспансерларида 13 ноябрь куни очиқ эшиклар куни ўтказилиши кўзда тутилган. Ушбу тадбирга келганлар бепул тиббий кўрикдан ўтиш, малакали олимлар ва шифокорлардан диабет профилактикаси ҳақида батафсил маълумот олиш имкониятига эга бўладилар.

**Баҳор ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.**

**Иқтисодиёт ва ислоҳот**

# Молиявий кўмак туфайли

## *юксак самарадорликка эришяпмиз, — дейди «Агробанк» ОАТБнинг Навоий вилоят бошқармаси жамоаси*

■ Ҳар йили республикамизда ўртача 6,5-7 миллион тонна ғалла, 3,5-4 миллион тонна пахта ишлаб чиқарилаётган бўлса, бунда шубҳасиз Навоий вилояти меҳнаткашларининг ҳам муносиб улуши бор. Кенжа вилоятда ерга муносабат, вақтида ўтказилган агротехник тадбирлар туфайли, айтарли ғалла ва пахта етиштириш шартномавий режалари беками кўст бажариб келинмоқда.

Айниқса, «Баркамол авлод» йили тарзида тарихга кирувчи 2010 йилдаги муваффақиятлар янада залворли. Навоийликлар жорий йилнинг дастлабки ҳосили — пилла ва қоракўл тери топшириш мажбуриятларини шараф билан уддалашган бўлишса, ёзнинг жазирама саратонига келиб, дон ишлаб чиқариш режасини ҳам биринчилардан бўлиб ошириб бажаришди. Қарийб 30 минг гектар суғориладиган ва лалми ерларда деҳқончилик қилган вилоят ғаллакорлари режадаги 87 минг тонна ўрнига 90 минг тоннадан зиёд сара дон ҳосили кўтаришди. Мавжуд ҳосилнинг қарийб тенг ярми уруғлик буғдойдир.

Камҳосил, ўта шўрхок ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, уларда қишки шўр ювишни 2-3 марталаб кетма-кет ўтказиш, айниқса лой, қамиш босиб қолган зовур ва заҳкашларни ўз вақтида тозалаш эвазига пахтачиликда даромадлар оша бошлади. Бу ўринда маҳаллий шароитга жуда мос, эртапишар ғўза навларининг маҳаллийлаштирилиши, ҳар бир карта ҳолати ва унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда «Бухоро — 6», «Бухоро-102», «Ан Боёвут-2» «Наманган-77» типидаги чигит навларининг экилиши яхши натижалар бера бошлади. Ғўза уруғчилиги ва селекциясидаги изланишлар сабаб, пахтачилик иқтисодиётни ўнглашга, соф фойдани оширишга хизмат қила бошлади. Ана шундай саъй-ҳаракатлар эвазига вилоят пахтакорлари жорий йилда мавжуд 35 минг 800 гектар майдондан атиги 25 иш кунида 100 минг тонналик хирмон уйишиб, республикада биринчилардан бўлиб, зафар манзилига етиб келишди. Бу йил гектарлар ҳосилдорлиги вилоят бўйича ўртача 30-32 центнердан ошди. Вилоятдаги 2310 нафар фермер хўжалигининг 60 фоизида биринчи теримдаёқ шартномавий режа ошириб уддаланди. Пахтачиликка ихтисослашган Қизилтепа, Навбаҳор, Кармана ва Хатирчи туманларида «Мартабали», «Мадамин Муслим», «Ибрат», «Бирлик», «Валиобод», «Мустақиллик», «Боғинур Умид» сингари ўнлаб фермер хўжаликлари борки, ҳар гектар ердан 49-52 центнерга етказиб ҳосил кўтаришди.

Келинг, ҳудди шу ўринда эътиборга молик бир қатор рақамларга мурожаат қилайлик. Биргина 2009 йил охири ва 2010 йил бошларида навоийлик «Агробанк»чилар томонидан у ёки бу агрокомплекс корхоналарига, пешқадам фермер хўжаликларига замонавий қишлоқ хўжалик техникалари харид қилиш учун 3 миллиард 995 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Натижада 10 та «Белорус — Х-80» транспорт трактори, 6 та «БТ-150» типидаги занжирли ҳайдов трактори ҳамда 16 та «МТЗ-80» чопиқ тракторлари сотиб олинди. Бунга қўшимча тарзда яна 15 та «ТТЗ-80.11» русумли тракторларини ҳам кўрсатиш мумкин. Банкнинг жойлардаги шаҳар ва туман бўлимлари томонидан фермерларга жорий йил ғалла хомашёсини етиштириш учун 5049 миллион сўмликдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилди. Шунингдек, ғўза парвариши давомида аксарият фермер хўжаликларига 15977 миллион сўмлик бўнак маблағлари берилди. Жойлардаги фермер хўжаликлари ишчиларига 11,5 миллиард сўмдан зиёд терим пуллари тарқатилди.

Аграр соҳанинг яна бир етакчи тармоғи чорвачиликни ҳам рентабелли соҳага айлантириш учун астойдил ҳаракат қилиняпти. Вилоятда бир миллиондан зиёд қўй-қўзи, кўплаб йилқи ва туя, қолаверса, юз минглаб қорамол мавжуд. Бу чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш, улардан сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари, жун ва қоракўл тери олиш ва уни қайта ишлашни йўлга қўйиш ҳам муҳимдир. Бу тадбир учун 3 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Шулардан келиб чиқиб, жойлардаги бўлимлар, филиаллар томонидан қоракўлчиларни, йилқи ва туячиликка йўналтирилган ширкат хўжаликларини ҳам иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга астойдил ҳаракат қилинмоқда. Мақсад, вилоят ғалла ва пахтачилиги сингари чорвачиликни ҳам сердаромад, рентабелли соҳага айлантириш.

Бундай юксак ташкилотчилик, қатъий хатти-ҳаракат боис, банкнинг мижозлари сони 9 минг 500 нафардан ошиб кетди. Унинг жами активи, яъни капитал қўйилмаси ва кредит айланмаси эса 53 миллиард 768 миллион сўмга етди. Бу мисоллар банк фаолияти ҳозирги замон талаблари даражасида йўлга қўйилганидан далолатдир.

**Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

